

доирасидаги ҳамкорлик нуқталарини кенгайтириш лозим.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ТДТ туркій тилли мамлакатларни бирлаштирган, күп-лаб соҳаларда ривожланиш истиқболларига эга истиқболли минтақавий ташкилотдир. Шунинг учун ушбу ташкилотнинг барча аъзолари, шу

жумладан, Ўзбекистон учун ТДТ доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳар томонлама ривожланиш ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишни ошириш ва мамлакатлар тараққиётини рағбатлантиришга хизмат қилиши мумкин.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Thalassinos, I.E. and Liapis, K. 2014. Segmental financial reporting and the internationalization of the banking sector. Chapter book in, Risk Management: Strategies for Economic Development and Challenges in the Financial System, (eds), D. Milos Sprcic, Nova Publishers, 221-255, ISBN: 978-163321539-9; 978-163321496-5.
2. Suryanto, T., Thalassinos, I.E. 2017. Cultural ethics and consequences in whistle-blowing among professional accountants: An empirical analysis. Journal of Applied Economic Sciences, 12(6), 1725-1731.
3. Dan Dhaliwal, Wen He, Yan Li, Raynolde Pereira. Accounting Standards Harmonization and Financial Integration. Contemporary Accounting Research. Pages: 2437-2466 First Published: 28 March 2019
4. Lambert R., Leuz, Chr., Verrecchia, R.E. [2007]. AccountingInformation, Disclosure, and the Cost of Capital. Journal of Accounting Research 45:(issue 2), 385-420 p
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сонли қарори. 2020 йил 24 феврал.
6. «Ўзбекистон 24» (2022). Туркӣ давлатлар ташкилоти Самарқанд саммити. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Нодир Жумаев билан жонли мулоқати. 10.11.2022 йил.
7. "Coffee Time" лойиҳаси (2022): (<https://t.me/uzlidep/24676>) Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялти маъжлиси тафсилотлари юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Нодир Жумаев билан муносабат.
8. Жумаев Н.Ҳ. (2022). Ўзбекистон ва Туркманистон: ҳамкорлигимиз манфаатли, самарадор. //XXI asr, 2022 йил 27 октябрь, 43 (989).
9. Жумаев Н.Ҳ. (2022). Халқимиз рӯшнолик кўришга ҳақли. //Халқ сўзи. 2022 йил 11 октябр, №220 (8282).
10. Хошимов Э.А. (2022). Ислоҳотларнинг ҳаёт баҳи самаралари. //Халқ сўзи. 2022 йил 15 октябр, №224 (8286).
11. Kichik va o'rta biznes subyektlari uchun Moliyaviy hisobotning milliy standarti ishlab chiqildi. [MoliyaPress September 29, 2022. Kichik va o'rta biznes subyektlari uchun Moliyaviy hisobotning milliy standarti ishlab chiqildi – Telegraph](#) (Молия вазирлигининг Ахборот хизмати).
12. Ризаев Н.К., Баракаев О.О. (2022) Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС ҳужжатлари) бўйича янги матн қўлланилмоқда. "Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш". Халқаро илмий-амалий конф.мат. тўплами. – Т.: ТМИ, 2022 йил. 5-9-б.
13. Ризаев Н.К., Ибрагимов А.К. (2020) Молиявий ҳисобот ва пандемия (COVID-19). "Молия ва банк иши" электрон-илмий журнали. – Тошкент, №2.
14. Rizaev N.K. Issues of adjusting national standards in compliance with international standards in Uzbekistan (Evidence from accounting policy). ILMIY TADQIQOT VA INNOVATSIYA, 2022 1(1), 94-104. Retrieved from. <http://ilmiy tadqiqot.uz/index.php/iti/article/view/14>
15. Rizaev N. Kadirov S. Adjusting national accounting standards in compliance with international standards in Uzbekistan (as exemplified by intangible assets). PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS. VOLUME 2, ISSUE 19 JANUARY 2023. Collection of Scientific Works. BERLIN 11 JANUARY 2023 Interonconf.com. 93-108 б.
16. Jumaev Nadir Hosiyatovich, Rizaev Nurbek Kadirovich, & Isaev Fakhreddin Ikromovich. (2023). ORGANIZATION OF TURKIC STATES: INTEROPERATION AND ACCOUNTING SYSTEM. British Journal of Global Ecology and Sustainable Development, 13, 116–129. Retrieved from <https://journalzone.org/index.php/bjgesd/article/view/245>



ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Азимова Феруза Пайзиевна -
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти доцент

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a11

Аннотация. Ушбу мақолада тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда молиявий натижаларни тавсифловчи кўрсаткичлар ҳолатини таҳлил қилишга эътибор қаратилган. Молиявий натижалар хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида аниқлаш мумкинлиги тавсифланган.

Калим сўзлар: корхона, тўқимачилик, молиявий натижса, фойда, зарар, маҳсулот сифати, чиқим, харажатлар, сарфлар, рентабеллик, таннарх, ишлаб чиқариш, таҳлил, натижса.

АНАЛИЗ ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ ТЕКСТИЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Азимова Феруза Пайзиевна -

Доцент Ташкентский институт текстильной
и легкой промышленности

Аннотация. Данная статья посвящена анализу показателей, характеризующих производство качественной продукции и финансовые результаты в организации производственной деятельности текстильных предприятий. Описано, что финансовые результаты могут быть определены на основе анализа показателей, выраженных в виде прибыли или убытка хозяйствующего субъекта.

Ключевые слова: предприятие, текстиль, финансовый результат, прибыль, убыток, качество продукции, выпуск продукции, затраты, затраты, рентабельность, себестоимость, производство, анализ, результат.

ANALYSIS OF FINANCIAL RESULTS IN TEXTILE ENTERPRISES

*Azimova Feruza Payzievna -
Tashkent Textile and Light Industry
Institute associate professor*

Annotation: This article shows the posvyashchena analysis, characterizing the production of quality products and financial results in the organization of production operations of a textile enterprise. It is described that the financial results can be determined based on the basic analysis of the economic entity, which is expressed in terms of profit or loss.

Keywords: enterprise, textile, financial result, profit, loss, product quality, output, costs, costs, profitability, cost, production, analysis, result.

Кириш. Республикаизда мустақиллик йилларида тўқимачилик саноатини янада ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилиб, сифат менежменти тизимини жорий этиш, бошқаришда инновацион усулларни кўллаш борасида кенг кўламдаги амалий ишлар қилинмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида "...иктисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар" устувор йўналиш сифатида белгиланди. *Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши республикаиз тўқимачилик саноати корхоналарининг молиявий натижаларини тавсифловчи кўрсаткичларини такомиллаштиришни тақозо этади [1].*

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда тўқимачилик ва тикувтритокотаж саноатини ривожлантириш, соҳа корхоналарининг инвестиция ва экспорт фаолиятини кўллаб-куватлаш бўйича комплекс чоратадбирлар амалга оширилиши натижасида республикада ишлаб чиқарилаётган пахта толаси тўлиқ ва ип калаванинг 45 фоизи қайта ишланмоқда. Шунингдек соҳанинг экспорт салоҳияти 3,2 миллиард доллардан ошди [2].

Тўқимачилик корхонаси фаолияти самардорлиги бир қанча туркум кўрсаткичлар билан тавсифланади. Ушбу кўрсаткичлар тўқимачилик корхонаси ишлаб чиқариш, бошқарув, маркетинг, инвестиция, молия, инновация, ташқи савдо фаолияти натижадорлиги ҳамда мавжуд моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан қай да-

ражада фойдаланилганликни ҳам тавсифлайди. Биз ўз тадқиқотларимизда тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда молиявий натижаларни тавсифловчи кўрсаткичлар ҳолатини таҳлил қилишга эътиборни қаратдик.

Маълумки, қанчалик маҳсулот сифати юқори бўлса, шунчалик унинг ишлаб чиқарилган ҳажми юқори бўлади. Йил охирида қанчалик унинг қолдиғи кам бўлса, сотилган маҳсулот ҳажми шунчалик юқори бўлади. Шундай қилиб, сотиш ҳажмини оширишнинг резерви сифатида омбордаги маҳсулот қолдиғи ва жўнатилган, аммо ҳали истеъмолчи томонидан пули тўлмаган маҳсулот ҳажми хизмат қиласи. Улар ҳолатини бухгалтерия баланси (1-шакл) маълумотлари асосида ўрганиш мумкин [3].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Молиявий-хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичи ҳисобот даврида хусусий капитал қийматининг ўсиши (камайиши)ни ўзида акс эттирувчи молиявий натижаларни асосида даврида хисобланади. Молиявий натижалар тўғрисида сўз юритилганда, унинг моҳиятига тўхталиб ўтиш жоиз. Тадқиқотлар натижаси кўрсатадики, молиявий натижалар кўрсаткичлари бўйича иқтисодчи олимлар томонидан турлича ёндашувлар шакллантирилган.

А.З. Авлакулов томонидан "Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити метадологиясини такомиллаштириш" деб номланган автореферида "Молиявий натижалар – хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодий, меҳнат ва молиявий ресурслардан қай да-

даланган фаолиятининг пировард иқтисодий якунидир” деб таъриф берган [4].

Бундан ташқари Я.В Соколов, М.Л. Пятовнинг фикрларича, “Молиявий натижага хўжалик юритувчи субъектнинг даромад ва харажатлари ўртасидаги фарқ ёки соф активларининг ўсишидир” деб таърифлашган [5].

Молиявий натижани моҳияти бўйича иқтисодчи олима А.А. Салова “Молиявий натижага – муайян даврда фойда (зарар) ҳажмининг ошиши ёки камайишини ифодаловчи кўрсаткичидир” деб атаган [6].

Корхоналар хўжалик фаолияти таҳлили дарслигига Г.В. Савицкая “Корхона фаолиятининг молиявий натижаси – олинган фойда ва рентабеллик даражасини ифодалайди” деб таъриф берган [7].

Замонавий корхоналарда бухгалтерия ҳисоби деб номланган ўқув қўлланмада Россиялик иқтисодчи олим Н.Пошерстникнинг фикрича, “Молиявий натижалар кўрсаткичлари корхона фаолияти натижасида олинган иқтисодий самарани ифодалайди”. Шу боисдан хўжалик юритувчи субъектда иқтисодий самарага эришиш, уни ривожлантиришдаги муҳим вазифа корхонанинг операцион, молиявий ва инвестиция фаолиятида раҳбарият томонидан даромадлар ва харажатларни самарали бошқариш усусларини эгаллаши зарур. Фойда шаклланишини самарали бошқариш бошқарув жараёнининг ташкилий-услубий тизимини барпо этиш, фойда шаклланишининг асосий механизmlарини билиш, уни таҳлил ва назорат қилишда замонавий усуслардан фойдаланишни кўзда тутади, деб атаган [8].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимларимиздан А.А.Каримов, Ф.Р.Исломов, А.З.Авлокулов “Молиявий натижалар хўжалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисбот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши ёки камайишидир. Бухгалтерия ҳисбидаги бундай фаолият натижаси ҳисбот давридаги

барча фойдалар ва заарларни ҳисоблаш йўли билан аниқланади” деб таърифлаган [9].

А.В.Сметанко, А.С.Коваленко, И.С.Шарапова, Е.С.Сорокина, Н.В.Бурдюгнинг илмий тадқиқотларида молиявий натижаларни ҳисобга олиш, молиявий ҳисобнинг якуний босқичи ҳисбланди деб ўз фикрларини ёритиб бердилар. Шунинг учун даромад ёки зарар ўртасидаги фарқ ҳақида қўйидаги фикрларни билдирилар:

- оддий фаолиятдан олинган молиявий натижалар-ташкilotнинг асосий фаолияти субъекти бўлган операциялардан олинган фойда (зарар);


- бошқа фаолиятдан олинган молиявий натижалар - ташкilotнинг асосий фаолиятидан бошқа операциялардан олинган фойда (зарар).

- фавқулодда ҳодисалардан молиявий натижалар. Ташкilotнинг молиявий натижалари табиатини ёритиб бериш учун даромад ва харажатларнинг иқтисодий мазмунини амалдаги қонунчилик нуқтаи назаридан ўз хulosаларини берганлар [10].

Тижорат ташкilotининг молиявий натижаси ҳақида О.И.Ефимова фойдани тушунади, шу билан бирга “молиявий натижага-ҳақиқатан ҳам якуний натижага улар тасарруф этиш хуқуқига эга нарсадир” деб атаган. Масалан А.Д.Шеремет “корхонанинг молиявий натижалари ва рентабеллигини таҳлил қилиш” деб қайд этади.

О.Я.Базилинськая ҳам қўйидагича таърифлайди: “молиявий натижага хўжалик юритувчи субъект оладиган фойда ёки зарардир” [11].

Молиявий натижага бўйича хорижий иқтисодчи олимлардан Р.В.Скалюк ҳам ўз дарсликлирида “молиявий натижанинг қиймати нафакат корхонанинг хаётйлигини таъминловчи асос, балки иқтисодий фаолият самарадорлигини, рентабеллигини ҳам акс эттирувчи, фаолияти асосий иқтисодий кўрсаткичларнинг миқдорий ўсиш имконияти ва корхонанинг барқарор ривожланиш потенциалини ҳам тавсифлайди” деб таъриф беради [12].



Чикимлар – хўжалик юритувчи субъектларнинг муайян давр оралиғига кирим қилган моддий, молиявий, меҳнат ва бошқа ресурслари ҳамда бой берилган имкониятларнинг умуумий миқдори.

Сарфлар – хўжалик юритувчи субъект тасарруфидағи моддий, молиявий, меҳнат ва бошқа ресурсларининг муайян давр оралиғига сарф қилинган миқдорининг пул кийматидаги ифодасидир.

Харажатлар – иқтисодий асосланган ва хужжат билан тасдиқланган сарфлар бўлиб, муайян давр оралиғига активларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг кўпайшишига олиб келади.

1-расм. Чиким, сарфлар, харажатларнинг иқтисодий таърифи

Демак, молиявий натижалар фойда ва заррларни ҳисоблаш билан якунланиб, хўжалик юритувчи субъектнинг муаяйн даврдаги активлари ошиши ёки камайишини ҳам акс эттиради. Молиявий натижалар тўғрисидаги умумлашган маълумотлар молиявий ҳисботнинг муҳим шакли 2-сонли шаклда «Молиявий натижалар тўғрисидаги» ҳисбот шаклида ифодаланади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот ва уни тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли Йўриқномаси асосида белгиланади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид статистик маълумотлар ва назарияларни ўрганишда мантиқий ва эркин фикрлаш, илмий мушоҳада қилиш, тизимли ёндашув. Усулларидан кенг фойдаланилган. Статистик таҳлил учун Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси ҳамда “Ўзтўқимачиксаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналар маълумотларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар мухокамаси. Корхонанинг молиявий натижалари таҳлил қилинганда қуйидагилар амалга оширилиши керак [13]:

- корхонанинг молиявий ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларни: фойданинг суммаси,

сармоя турлари бўйича ҳисбот давридаги рентабеллик ва ўзини қоплаш даражасини аниқлаш ҳамда уларни ўтган йилги ва бизнес-режа маълумотлари билан солиштириш;

- фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг қатор йиллардаги динамикасини аниқлаш ҳамда ўсиш суръатларини ҳисоблаб чиқиш.

Таҳлил жараёнида қуйидаги асосий омилларнинг фойда ва рентабелликка таъсирини аниқлаш ва ҳисоблаб чиқиш керак [14]:

- сотилган маҳсулот ҳажми;
- корхонанинг сотишдан олган даромади;
- сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннаҳхи;
- давр ҳаражатлари жами;
- асосий фаолият даромадлари ва ҳаражатлари;
- молиявий фаолият даромадлари ва ҳаражатлари;
- фавқулотда даромадлар ва заарлар;
- тўланган фойда (даромад) солиги ва бошқа солиқ ва тўловлар жами.

«URGUT GULBAHORI» МЧЖ да 2018-2021 йиллардаги молиявий фаолият натижадарининг қиёсий таҳлили натижалари 1-жадвалда келтирилган [15].

1-жадвал

«URGUT GULBAHORI» МЧЖ да 2018-2021 йиллардаги молиявий натижаларини қиёсан баҳолаш, минг сўм

Кўрсаткичлар номланиши	Йиллар				2018 йилга нисбатан ўсиш суръати, %		
	2018	2019	2020	2021	2019	2020	2021
Ялпи фойда ёки маҳсулотни сотишдан молиявий натижа	54254,68	56039,5	80104,3	113890	103,3	147,6	209,9
Асосий фаолиятдан олинган фойдаси (зарари)	46945,24	49748,4	69378,8	104133	105,9	147,8	221,8
Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойдаси (зарари)	46945,24	49748,4	69378,8	104133	105,9	147,8	221,8
Фойда солиги тўлашдан олдинги фойда	46945,24	49748,4	69378,8	104133	105,9	147,8	221,8
Соф фойда	29875,96	31659,9	55343	91116,8	105,9	185,2	305,0

Манба: тўқимачилик корхонаси ҳисботлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

1-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижалари кўрсатади, ушбу тўқимачилик корхонасида базис йил саналган 2018 йилда маҳсулотлар (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан тушган тушумдан олинган ялпи фойда 54254,68 минг сўмни ташкил этиб, ушбу сумма миқдори кейинги йилларда мунтазам равища ошиши кузатилади ва 2021 йилда 113890 минг сўмни ташкил этган ёки ўсиш суръати 209,92 % ни ташкил этган. Ўрганилаётган даврда асосий фаолиятдан олинган фойдаси (зарари) миқдори ўзгаришида ҳам ижобий ҳолат кузатилади ва 2018 йилга нисбатан ушбу миқдорнинг ўзгариш суръати 2019-2021 йилларда мос равища 105,9; 147,8 ва 221,8 %ни ташкил этган. Демак,

ушбу тўқимачилик корхонасида ўрганилаётган даврда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда давр ҳаражатларини камайтиришга эришилган.

Асосий фаолиятдан олинган фойдаси (зарари) миқдори ўзгаришида ҳам ижобий ҳолат кузатилади ва унинг ўзгариши суръати асосий фаолиятдан олинган фойдаси (зарари) миқдори ўзгаришига нисбатан жадал кўринишни олган.

Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойдаси (зарари) ҳамда фойда солиги тўлашдан олдинги фойда миқдорининг ўзгариши айнан Асосий фаолиятдан олинган фойдаси (зарари) миқдори ўзгаришидагидек бўлган. Демак, ушбу тўқимачилик корхонасида асосий фаолиятда

бошқа ва молиявий фаолият натижаларида ҳеч қандай ўзгариш рўй бермаган.

2-жадвал маълумотлари кўрсатадики, ушбу тўқимачилик корхонасида 2021 йилда 2018 йилга нисбатан маҳсулотлар (товар, иш, хизмат)ларни сотищдан тушган тушумнинг камайиши – 17258 минг сўм, ишлаб чиқариш харажатларининг ўтган йилга нисбатан камайиши – 68780,4 минг сўмни ташкил этган.

Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи – 68780,4 минг сўмга ошган, давр харажатлари – 5665,14 минг сўмга камайган, бошқа солик ва ажратмалар эса – 4053,28 минг сўмга камайган. Шундай қилиб, ушбу тўқимачилик корхонасида 2021 йилда 2018 йилга нисбатан қўйидаги омиллар ҳисобига соф фойда суммаси

61240,82 минг сўмга ошганлиги кузатилади ва бу қўйидаги омиллар таъсирида рўй берган:

- сотищдан олинган соф тушум корхона даромадини -17258 минг сўмга камайтирган;

- сотилган маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг камайганлиги фойдани 68780,4 минг сўмга оширган;

- давр харажатларининг камайганлиги соф фойдани 5665,14 минг сўмга оширган;

- асосий фаолият даромадлари (харажатлари) ҳамда молиявий фаолият даромад (харажат)ларида ўзгариш рўй бермаган;

- фойда солиги тўловларининг камайганлиги соф фойда суммасини 4053,28 минг сўмга оширган;

2-жадвал

«URGUT GULBAHORI» МЧЖ да 2018-2021 йиллардаги молиявий натижаларини қиёсан баҳолаш, минг сўм

Кўрсаткичлар номланиши	Йиллар				2018 йилга нисбатан ўсиш суръати, %		
	2018	2019	2020	2021	2019	2020	2021
Маҳсулотни сотищдан соф тушум	342658	351770	280715	325400	102,6	81,9	94,9
Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи	280290,4	295730,53	200610,75	211510	105,5	71,6	75,5
Давр харажатлари	15422,36	16291,07	10725,5	9757,22	105,6	69,5	63,3
Асосий фаолиятдан даромадлар (+), харажатлар ортиши (-)	-	-	-	-	-	-	-
Молиявий фаолият натижаларининг ортиши (+), камайиши (-)	-	-	-	-	-	-	-
Фавқулотда даромадлар (+), зарарлар-нинг ортиши (-)	-	-	-	-	-	-	-
Фойда солиги	17069,28	18088,5	14035,75	13016	105,9	82,2	76,3
Бошқа солик ва ажратмалар	-	-	-	-	-	-	-
Соф фойда	29875,96	31659,9	55343	91116,78	105,9	185,2	305,0

Манба: Тўқимачилик корхонаси ҳисоботлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Шундай қилиб, барча омиллар таъсирида 2021 ҳисобот йили соф фойдасида 2018 базис йил фойдасига нисбатан фарқ юзага келган:

$$61240,82 = -17258+68780,4+5665,14+4053,28.$$

Соф фойдани кўпайтириш имкониятларини аниқлаш учун айтиб ўтилган омилларнинг ҳар бирини таҳлил қилиб чиқиш керак.

Хулоса ва таклифлар

1. Тўқимачилик корхонаси ишлаб чиқариш, бошқарув, маркетинг, инвестиция, молия, инновация, ташқи савдо фаолияти натижадорлиги ҳамда мавжуд моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан қай даражада фойдаланилганликни тавсифлашда бир қанча туркум кўрсаткичлардан фойдаланилади. Тадқиқот жараёнида тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда молиявий натижаларни тав-

сифловчи кўрсаткичлар ҳолатини таҳлил қилишга эътибор қаратилган.

2. «URGUT GULBAHORI» масъулияти чекланган жамият(МЧЖ)да базис йил саналган 2018 йилда маҳсулотлар (товар, иш, хизмат)ларни сотищдан тушган тушумдан олинган ялпи фойда 54254,68 минг сўмни ташкил этиб, ушбу сумма миқдори кейинги йилларда мунтазам равишида ошиши кузатилади ва 2021 йилда 113890 минг сўмни ташкил этган ёки ўсиш суръати 209,92 %ни ташкил этган. Ўрганилаётган даврда асосий фаолиятдан олинган фойдаси (зарари) миқдори ўзгаришида ҳам ижобий ҳолат кузатилади ва 2018 йилга нисбатан ушбу миқдорнинг ўзгариш суръати 2019-2021 йилларда мос равишида 105,9; 147,8 ва 221,8 %ни ташкил этган.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» ПФ-60-сонли фармони // www.lex.uz.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 2023 йил. 10 январь ПФ-2-сон.
- Yoldoshev N.Q., Yusupov S.Sh., Zaxidov G'. Menejment asoslari va biznes reja. – T.: Fan va texnologiya, 2016. – 244 b.

4. Авлокулов. А. З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини таомиллаштириши. диссертацияси автореферати. 2019й.
5. Соколов Я.В. Финансовый результат как цель бухгалтерского учета / Я.В.Соколов, М.Л.Пятов. //Бухгалтерский учет. – 2007. – № 21. – С. 56-59.
6. Салова А.А. Понятие, сущность и значение финансового результата предприятия. //Альманах современной науки и образования, № 7 (120) 2017.
7. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия: учебник / Савицкая Г.В. – М.: Инфра-М, 2013. – 384 с.
8. Пашерстник Н.В. Бухгалтерский учет на современном предприятии: учебно-практическое пособие. – М.: Проспект, 2011. -560 с
9. Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлокулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: "Шарқ" НМАК, 2004.-592 б.
10. Сметанко А.В., Коваленко А.С., Шарапова И.С., Сорокина Е.С., Бурдюг Н.В. Молиявий натижалар назарияси.Ўқув қўлланма, 2014 й.
11. Базилинська О.Я. Фінансовий учет: теорія та практика : [науч. пособ.] / О.Я. Базилинська ; 2-ге вид. – К.: Центр учебной литературы, 2011. – 398 с. 12. Скалюк Р.В. Сущность и значение финансовых результатов в системе развития хозяйственной деятельности промышленных предприятий. http://www.nbuu.gov.ua/portal/natural/npkntu_e/2010_18_1/stat_18_1/21.pdf
13. Азимова Ф.П. Тўқимачилик саноати корхоналари фаолияти самарадорлигини бошқаришни таомиллаштириши. Монография. –Т.: "Factor book" нашариёти, 2022й. 28 июнь."
14. Плахова Л.В., Анурена Т.М., Легостаева С.А. и др. Основы менеджмента: Учеб.пособие. – М.: КНОРУС, 2009. – 496 с.
15. "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси таркибидаги корхоналар маълумотларидан фойдаланилган. 2018-2021й.



QISHLOQ XO'JALIGI KORXONALARIGA XIZMAT KO'RSATUVCHI SUBYEKLARDA BUXGALTERIYA HISOBINING NAZARIY- USLUBIY ASOSLARI

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a12

**Turkmanov A'zam Saydullayevich -
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti,
mustaqil izlanuvchisi**

Annotatsiya. Maqolada qishloq xo'jaligi faoliyatida xizmat ko'rsatuvchi subyektlarning ahamiyati hamda buxgalteriya hisobining nazariy-uslubiy asoslari, qishloq xo'jaligi faoliyatida xizmat ko'rsatuvchi subyektlarning buxgalteriya hisobining o'ziga xos xususiyatlari tadqiq etilgan.

Kalit so'zlar: agroservis, xizmat ko'rsatuvchi subyekt, buxgalteriya hisobi, boshqaruv hisobi, infratuzilma, hisob siyosati, xarajatlar hisobi.

ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ БУХГАЛЬТЕРСКОГО УЧЕТА В СУБЪЕКТАХ ОБСЛУЖИВАНИЯ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

**Туркманов Аззам Сайдуллаевич -
Ташкентский государственный экономический университет,
независимый исследователь**

Аннотация. В статье исследована роль хозяйствующих субъектов, оказывающих услуги в сельскохозяйственной деятельности, а также теоретико-методические основы бухгалтерского учета, особенности учета субъектов, оказывающих услуги в сельскохозяйственной деятельности.

Ключевые слова: агроСервис, хозяйствующий субъект, бухгалтерский учет, управленический учет, инфраструктура, учетная политика, учет затрат.

THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF ACCOUNTING IN THE SERVICE SUBJECTS OF AGRICULTURAL ENTERPRISES

**Turkmenov Azam Saidullayevich -
Tashkent State University of Economics,
independent researcher**

Annotation. The article examines the role of economic entities providing services in agricultural activities, as well as theoretical and methodological foundations of accounting, features of accounting entities providing services in agricultural activities.

Keywords: agroservice, business entity, accounting, management accounting, infrastructure, accounting policy, cost accounting.